



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 2 » fevral

№ 51

Toshkent sh.

2023-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида уруғчилик ва кўчат етиштиришни ривожлантириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилик ва кўчатчилик соҳасида илғор халқаро тажриба ва илмий асосланган замонавий ресурс тежайдиган ва инновацион технологияларни қўллаш, дурагайларни яратиш, интенсив соғлом кўчатлар етиштириш, нав муаллифлари ҳамда илмий-тадқиқот институтларини (нав оригинаторлари) ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни сифатли уруғликлар ва кўчатлар билан барқарор таъминлаш тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида қишлоқ хўжалиги экинлари нав муаллифлари, илмий-тадқиқот институтларини фаолиятини такомиллаштириш, илмий муассасалар ва уруғчилик хўжаликлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ва бошқа тадбирларни назарда тутувчи **уруғчилик ва кўчат етиштириш соҳасида миллий дастурни амалга ошириш** бўйича вазифалар белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

2023 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида уруғчилик ва кўчат етиштиришни ривожлантириш миллий дастури (кейинги ўринларда – Миллий дастур) **1-иловага** мувофиқ;

2023 – 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида уруғчилик ва кўчат етиштиришни ривожлантириш миллий дастурини амалга ошириш натижасида эришиладиган параметрлар **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Миллий дастурни амалга оширишнинг **асосий устувор йўналишлари** этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалиги экинларининг нав муаллифлари, илмий-тадқиқот институтларини фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг сифат кўрсаткичлари **жаҳон андозалари талабларига** мос бўлган, **юқори ҳосилдор** навларини яратишда хорижий тажрибалар алмашиш ҳамда **маҳаллий навлар ва F1 дурагайларини** яратиш;

ушбу соҳада фаолият кўрсатадиган **илмий-тадқиқот ташкилотлари ва уруғчилик хўжаликлари салоҳиятини** янада мустаҳкамлаш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан **халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва экспертларни жалб қилиш**;

“**in-vitro**” лабораториялар сонини кўпайтириш ҳамда маҳаллий, хорижий мева ва узум навларининг вирусдан холи кўчатларини тайёрлаш кўламини кенгайтириш;

уруғликларни етиштириш, тайёрлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича **инфратузилмани такомиллаштириш** ҳамда **хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш**;

қишлоқ хўжалиги экинлари **уруғликлари ва мевали дарахтлар кўчатлари** ишлаб чиқаришда **ички эҳтиёжни тўлиқ қондириш** ҳамда **сифатли уруғликлар ва кўчатлар экспортини** ташкил қилиш тизимини яратиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлигининг:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳузурида **Ўзбекистон – Сербия қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги илмий марказини** (кейинги ўринларда – Уруғчилик илмий маркази);

Туркиянинг Газиантеп пистачилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда Тошкент давлат аграр университети ҳузурида **Ўзбекистон – Туркия пистачилик илмий марказини** (кейинги ўринларда – Пистачилик илмий маркази) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Қуйидагилар:

а) **Уруғчилик илмий марказининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

хорижий ва маҳаллий генофонддан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларининг **нав ҳамда дурагайларини яратиш тизимини янада такомиллаштириш** ва ушбу соҳага илғор халқаро тажрибани жорий этиш;

уруғчиликни ривожлантириш бўйича халқаро ва миллий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, **инновацион технологияларни кенг жорий этиш**;

юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш ва уларнинг касбий малакасини доимий ошириб бориш;

б) Пистачилик илмий марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маҳаллий шароитларга мос, серҳосил писта навларини яратиш, уларнинг **коллекциясини ташкил қилиш;**

касаллик ва зараркунандаларга қарши курашишда атроф муҳитнинг экологик мувозанатига таъсир этмайдиган **интеграллашган ҳимоя усулларини ишлаб чиқиш;**

соҳанинг етакчи хорижий илмий-тадқиқот ташкилотлари билан қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида **ҳамкорлик алоқаларини жадал ривожлантириш.**

6. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Сербия қишлоқ хўжалиги институти Уруғчилик илмий марказининг муассислари ҳисобланади;

Тошкент давлат аграр университети ва Туркиянинг Газиантеп пистачилик илмий-тадқиқот институти Пистачилик илмий маркази муассислари ҳисобланади.

Қуйидагилар Уруғчилик илмий маркази ва Пистачилик илмий маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

муассисларнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари;

давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги илмий лойиҳалар учун ажратилган грантлар;

хўжалик фаолиятидан, бошқа субъектлар билан шартнома асосида пулли хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари ва имтиёзли кредитлари.

7. Уруғчилик илмий маркази Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, “А.Яссавий” МФЙ, Ш.Рашидов кўчаси, 1-уй манзили Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказига тегишли асосий бинонинг 1-қаватида;

Пистачилик илмий маркази Самарқанд вилояти, Оқдарё тумани, Даҳбет шаҳарчаси, А.Темур кўчаси 7-уй манзилидаги Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиалига тегишли бош бинонинг 1-қаватида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги экинларининг бирламчи уруғчилигини ҳамда пистачиликни ривожлантириш мақсадида Уруғчилик илмий маркази ва Пистачилик илмий маркази билан ҳамкорликда илмий-инновацион лойиҳаларни тайёрласин ва молиялаштириш учун белгиланган тартибда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Миллий дастурни амалга оширишда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда илмий асосланган ҳолда уруғчилик ва кўчатчиликни ривожлантиришда амалий, инновацион лойиҳаларни шакллантириш, хорижий маблағларни жалб этиш ҳамда бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

**2023–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида уруғчилик ва кўчат етиштиришни ривожлантириш
МИЛЛИЙ ДАСТУРИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|--|---|---|------------------------------------|--------------------------|--|
| I. Қишлоқ хўжалиги экинларининг нав муаллифлари, илмий-тадқиқот институтларини (нав оригинаторларини) фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш | | | | | |
| 1 | Қишлоқ хўжалиги экинларининг нав муаллифларини ва илмий-тадқиқот институтларини (нав оригинаторларини) фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш. | <p>1. Хорижий давлатларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари селекция ва уруғчилик соҳасини ўрганиш, нав-оригинаторлари ва уруғлик етиштирувчилар ўртасидаги муносабатларни бозор тамойилларига асосланган ҳолда шакллантириш.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалиги экинларининг навлари ва уруғликлар бўйича маркетинг тизимини шакллантириш, уруғчилик соҳасида ахборот тарқатиш тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Сабзавот, полиз, картошка, мойли, дуккакли, шоли ва озуқа экинларининг юқори авлодли уруғчилигини тизимли ташкил қилиш, уруғ етиштириш ишларини белгиланган тартибда амалга ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш натижасида янги навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш.</p> | Тегишли ташкилотнинг ўз маблағлари | 2025 йил 20 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов) |
| 2 | Ривожланган хорижий мамлакатларнинг уруғчилик ва кўчатчилик соҳасидаги тажрибаси ҳамда норматив-ҳуқуқий базасини ўрганиш | <p>1. Уруғчилик ва кўчатчилик соҳаси ривожланган мамлакатларнинг соҳадаги тажрибаларини ўрганиш, ушбу мамлакатлардаги етакчи уруғчилик компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p>2. Уруғчилик ва кўчатчилик соҳасидаги етакчи компанияларнинг экспертларини мамлакатимизга</p> | Тегишли ташкилотнинг ўз маблағлари | 2024 йил 25 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Ташқи ишлар вазирлиги (Саидов), Қишлоқ хўжалигида билим ва |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|---|--|--|------------------------------------|--------------------------|---|
| | асосида ишлаб чиқаришга жорий этиш. | таклиф этиш, уруғлик ва кўчат етиштириш, қайта ишлаш ва янги навларни яратиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш. | | | инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов) |
| 3. | Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш соҳасида ривожланган хорижий давлатларнинг иш услубларини ва тажрибасини ўрганиш. | <p>1. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш соҳасида ривожланган хорижий давлатларнинг норматив-ҳуқуқий базаларини ўрганиш, таҳлил қилиш.</p> <p>2. Соҳада амалга оширилаётган устувор вазифалар, истиқболдаги режаларни таҳлил қилиш мақсадида халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p>3. Хорижий мамлакатлардан мутахассисларни жалб қилиш ва маҳаллий мутахассислар малакасини оширишга кўмаклашиш чораларини кўриш.</p> | Тегишли ташкилотнинг ўз маблағлари | 2025 йил 15 май | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев),-Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази (Матякубов) |
| II. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдор, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган навларини хориждан олиб келиш, ҳамда маҳаллий навлар ҳамда F1 дурагайлари яратиш | | | | | |
| 4 | Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдор, сифат кўрсаткичи юқори бўлган навларини хориждан олиб келиш, худудларнинг тупроқ-иқлим шароитига синаш ҳамда мос келадиган, серҳосил маҳаллий навлар ва дурагайлари яратиш. | <p>1. Республикада серҳосил, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган сабзавот, полиз, картошка, мойли, дуккакли, шоли ва озуқа экинлари навлари ҳамда F1 дурагайлари яратишни ташкил этиш.</p> <p>2. Соҳа ривожланган хорижий давлатлардан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, тажриба алмашиш, илмий ходимлар малакасини ошириш ҳамда иқтидорли мутахассисларни хорижий мамлакатларда узоқ ва ўрта муддатли малака ошириш курсларига юборишни ташкил этиш.</p> <p>3. Сабзавот, полиз, картошка, мойли, дуккакли, шоли ва озуқа экинларининг F1 дурагайлари бирламчи уруғчилик тизимини йўлга қўйиш.</p> | Грантлар | 2023-2026 йилларда | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|---|---|--|---------------------------|--|
| | | <p>4. Халқаро картошкачилик маркази СІР (<i>International Potato Center</i>) билан ҳамкорликда худудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос серхосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли картошка уруғликларини олиб келишни ташкил этиш.</p> <p>5. “In-vitro” лабораториясида (<i>experiments are carried out "in a test tube" - in artificial conditions, outside the body or natural environment</i>) картошканинг вирусдан холи микро туганакларини тайёрлаш.</p> <p>6. Олинган микро туганаклардан иссиқхона шароитида йилига 3 маротаба ҳосил олишни йўлга қўйиш.</p> | | | |
| 5 | <p>Қишлоқ хўжалиги экинларининг F₁ дурагайлари кўпайтириш, ишлаб чиқаришга татбиқ этиш.</p> | <p>1. Республикада экспортбоп сабзавот, полиз, картошка, мойли, дуккакли, шоли ва озуқа экинларининг F₁ дурагайлари уруғликлари етиштирилишини кўпайтириш.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалиги экинларининг дурагайлари ва юқори авлодли (оригинал, супер элита ва элита) уруғликларини етиштириш, тайёрлаш ҳамда фойдаланишда нав оригинаторлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> | <p>Халқаро молия институтлари ва грант лойиҳалари маблағлари</p> | <p>Доимий равишда</p> | <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев)</p> |
| 6 | <p>Ўза навларини серхосил, эртапишар, тола сифати юқори навлар билан босқичма-босқич янгилаб бориш.</p> | <p>1. Пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари томонидан экиш учун тавсия этилган ўза навларининг охириги уч йилдаги ҳосилдорлигини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлиллар асосида йиллар давомида ҳосилдорлиги нисбатан паст бўлган ўза навларини босқичма-босқич янгилаш.</p> <p>3. Худудларнинг тупроқ-иқлим шароити учун мос серхосил (50 ц/га) ва тезпишар, тола чиқими</p> | <p>Грант маблағлари ҳамда тегишли ташкилотнинг ўз маблағлари</p> | <p>2024 йил 30 январь</p> | <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|--|---|--|--|---|
| | | 38-40 фоиз, микронеёр кўрсаткичи 4,4-4,5 гр/мм, толаси IV типга мансуб бўлган ғўза навларини танлаш, жойлаштириш ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш. | | | ривожлантириш маркази (Мамажанов) |
| 7 | Ғўзанинг коллекция нав ва намуналари сақланадиган замонавий генбанк ташкил этиш. | <p>1. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтигада коллекция нав ва намуналари уруғларини ўрта муддат сақлайдиган замонавий генбанк биносини куриш лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлаш, ҳужжатларини тайёрлаш ва тендер ўтказиш.</p> <p>3. Генбанк биносини қурадиган пудрат ташкилоти билан шартномалар имзолаш.</p> <p>4. Қурилиш ишларини амалга ошириш ва замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш.</p> <p>5. Генбанкда электрон каталог ва маълумотлар базасини яратиш.</p> | Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтига Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағлар | 2024 йил 30 ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Кудбиев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Фанлар академияси (Юлдашев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |
| 8 | “Фитотрон” иссиқхона мажмуасини таъмирлаш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. | <p>1. “Phytotron” (<i>indoor research greenhouse used to study interactions between plants and the environment</i>) иссиқхона мажмуасини мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тендер ҳужжатларини тайёрлаш, тендер ўтказиш, пудрат ташкилоти билан шартнома имзолаш.</p> <p>3. “Phytotron” иссиқхона мажмуасидаги селекцион боксларни мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш.</p> | Халқаро молия институтлари ва грант лойиҳалар маблағлари | 2024 йил декабрь 2025 йил декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Фанлар академияси (Юлдашев), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|--|--|--|---|---|
| 9. | Глобал иқлим ўзгаришига бардошли интенсив ғўза навларини яратиш. | <p>1. Пахтачилик соҳаси ривожланган АҚШ, Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Миср ва бошқа давлатларнинг тезпишар, серҳосил ва тола сифати юқори нав намуналарини ўрганиш.</p> <p>2. Ноанъанавий технологиялар (<i>маркерларга асосланган селекция, ген инженерияси, гетерозис селекцияси ва бошқа услублар</i>) асосида биотик ва абиотик омилларга бардошли, серҳосилдор, тола чикими ва сифати юқори бўлган ғўза навларини яратиш.</p> <p>3. Интродукция қилиш ва селекция жараёнларига жалб қилиш, экологик синовни ташкил этиш ҳамда давлат нав синовини ўтказиш.</p> <p>4. Яратилган янги навларнинг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш.</p> | Грантлар | 2024 йил 20 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази (Матякубов) |
| 10 | Пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун технологик таҳлил қилиш лабораторияларини ташкил этиш. | <p>1. Пахта толасини таҳлил қилиш лабораториясини ташкил этиш ва HVI (<i>Cotton analysis system</i>) ускуналари билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Селекция жараёнларини жадалаштирувчи махсус нурлар орқали ёруғлик, ҳарорат, намликни назорат қилувчи технологиялар билан жиҳозлаш.</p> <p>3. Ушбу технологияларни ўзлаштириш учун мутахассисларни стажировкаларга юбориш.</p> | Тегишли ташкилотнинг ўз маблағлари ва халқаро молия институтлари ва грант лойиҳалар маблағлари | 2024 йил 15 ноябрь (<i>Инвестиция дастурига киритиш орқали</i>) | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Кудбиев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |
| 11 | Органик пахта толасини етиштириш. | <p>1. Турли рангли тола берадиган, ҳосилдорлиги ва тола сифати юқори нав намуналарини ўрганиш.</p> <p>2. Кимёвий моддаларни қўлламасдан, қимматли хўжалик белгиларини ўзида мужассамлаштирган турли рангларга эга толали органик ғўза навларини яратиш.</p> | Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган | 2026 йил 25 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Фанлар академияси (Юлдашев), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|---|--|--|--------------------------|---|
| | | 3. Яратилган рангли толали ғўза навларининг экологик синовини ташкил этиш ва давлат нав синовига топшириш. | лойиҳалар маблағлари | | (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази (Матякубов) |
| 12. | Бошокли, дуккакли дон, мойли ва ем-хашак экинларининг турли экстремал шароитларга чидамли навларини яратишда Speed Breeding (жадаллашган) селекция усулидан фойдаланиш учун фитотрон объектини ташкил этиш. | 1. Республиканинг 3 та (Андижон, Жиззах, Қашқадарё) вилоятида замонавий технология асосида Phytatron (<i>indoor research greenhouse used to study interactions between plants and the environment</i>) объектларини қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш, тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва тендер эълон қилиш. 2. Лойиҳани амалга оширувчилар билан шартномалар имзолаш. 3. Қурилиш ишларини амалга ошириш ва лойиҳани ишга тушириш. | Халқаро молия институтлари ва илмий-тадқиқот институтлари маблағлари | 2024 йил 20 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |
| 13. | Маҳаллий шароитда дуккакли ва мойли экинларнинг янги навлари селекцияси ва бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш. | 1. Хитой, Ҳиндистон, Покистон, АҚШ, Россия ва бошқа давлатларнинг илмий-тадқиқот марказлари билан дуккакли ва мойли экинлар селекцияси ва уруғчилиги соҳасида ҳамкорлик меморандумларини имзолаш. 2. Республиканинг мавжуд генофондини хорижий давлатларнинг нав намуналари билан бойитиш. 3. Хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, тажриба алмашиш, кадрлар малакасини ошириш. 4. Технологик сифат кўрсаткичларини таҳлил қиладиган лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. | Халқаро молия институтлари ва илмий-тадқиқот институтлари маблағлари | 2024 йил 20 май | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Ташқи ишлар вазирлиги (Саидов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|--|--|---|--------------------------|---|
| | | 5. Халқаро ва маҳаллий фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш. | | | |
| 14 | Шўр ва бўз тупроқларга мос, совуққа чидамли буғдойнинг янги навларини яратиш. | <p>1. ICARDA (<i>International Center for Agricultural Research in the Dry Regions</i>) ва CIMMYT (<i>International Maize and Wheat Improvement Center</i>) халқаро ташкилотларидаги нав намуналарини ўрганиш ҳамда маҳаллий селекция жараёнларига жалб этиш.</p> <p>2. Янги яратилган баҳорги буғдой навларининг ҳудудларда экологик синовини ташкил этиш ҳамда давлат нав синовини ўтказиш.</p> <p>3. Навларнинг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш ва минтақавий етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш.</p> | Халқаро молия институтлари ва илмий-тадқиқот институтлари маблағлари | 2025 йил 15 октябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази (Матякубов) |
| 15 | Қаттиқ буғдойнинг (<i>макарон, қандолат саноати учун</i>) янги навларини яратиш ва етиштириш ҳажмини ошириш. | <p>1. Қаттиқ буғдой селекциясини ривожлантириш, етиштиришга мос ҳудудларни аниқлаш ҳамда навларни синовдан ўтказиш.</p> <p>2. Қаттиқ буғдой донининг технологик сифат кўрсаткичларини аниқлаш имконини берувчи лабораториялар ташкил этиш.</p> <p>3. Қаттиқ буғдой навларининг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш ва етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Қаттиқ буғдой етиштирувчи Италия, Испания ва Мексика давлатлари билан ҳамкорлик ўрнатиш.</p> | Халқаро молия институтлари ва Инновацион ривожланиш жамғармаси маблағлари | 2025 йил 15 ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази (Матякубов) |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|---|---|--|--|---|
| 16 | Сидерат ва оралиқ экинларининг янги навларини яратиш | <p>1. Жавдар, тарик, сули, тритикале, африка кўноғи, кўк нўхат, арпа ва ноанъанавий экинларнинг хорижий навларини интродукция қилиш.</p> <p>2. Селекция ишларини амалга ошириш, янги маҳаллий навларни яратиш ҳамда нав синовини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Илмий-тадқиқот институти ва тажриба станцияларида сидерат ва оралиқ экинларнинг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш.</p> | Халқаро молия институтлари ва маҳаллий бюджет маблағлари | 2024 йил 30 ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |
| 17 | Илмий-тадқиқот институтларида донли, дуккакли, мойли ва ем-хашак экинларининг оригинал ҳамда бирламчи уруғликларини, тайёрлаш ишларини такомиллаштириш. | <p>1. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тозалаш, саралаш, дорилаш, қадоклаш мини цехларни (фотосепаратор) Андижон, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида ўрнатиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тендер ҳужжатларини тайёрлаш, тендер эълон қилиш, етказиб берувчилар билан шартномалар имзолаш.</p> <p>3. Ўрнатиш ишларини амалга ошириш ва лойиҳани ишга тушириш.</p> | Халқаро молия институтлари маблағлари | 2023 йил 20 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |
| 18 | Глобал иқлим ўзгаришига мос шоли навларини яратиш. | <p>1. Мавжуд шоли нав намуналарини амалий селекцияга жалб этиш ва селекцион материаллар яратиш.</p> <p>2. Яратилган селекцион материалларни сувни тежайдиган технологияларни (эгатлаб, ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш) қўллаган ҳолда селекция босқичларида синаш ва танлаш.</p> <p>3. Экологик синовларда шоли навларини синаш, танлаш ва Давлат нав синаш марказига топшириш.</p> | Халқаро молия институтлари маблағлари ва маҳаллий илмий лойиҳалар маблағлари | 2023 йил 20 ноябрь 2024 йил 30 ноябрь 2026 йил 10 сентябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалиги экинлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|--|---|--|--------------------------|--|
| | | | | | навларини синаш маркази (Матякубов) |
| 19 | Янги яратилган шоли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш. | Элита уруғчилик хўжаликларида шолининг серҳосил, касалликларга чидамли навларининг бирламчи ва юқори авлодли уруғликларини кўпайтиришни йўлга қўйиш. | Маҳаллий илмий лойиҳалар маблағлари, институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари | 2025 йил 20 ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов) |
| 20 | Худудларнинг тупроқ-иқлим шароитига мос, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, таркибида озуқа бирлиги, протеин миқдори юқори янги беда навларини яратиш ва оригинал уруғларини етиштиришни йўлга қўйиш. | 1. Беданинг ноёб белгиларга эга нав намуналарини хорижий давлатлардан интродукция қилиш. 2. Беда генофондидаги ноёб белгиларга эга намуналарни селекция жараёнига жалб этиш. 3. Беданинг янги, истиқболли ва рўйхатдан ўтган, юқори ҳосилдор навларининг уруғларини кўпайтириш услубларини ишлаб чиқиш. | Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган лойиҳалар маблағлари | 2024 йил 30 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси (Норқобилов) |
| 21 | Озуқа экинлари селекция ишларини олиб бориш. | 1. Маккажўхори, оқ жўхари, тритикале, хашаки лавлаги, вика, хашаки нўхат, арпа, сули, рапс, эспарсет, қашқар беда ва бошқа экинларнинг янги | Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари | 2025 йил 20 ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|---|--|---|--|--------------------------|---|
| | | <p>нав намуналарини хорижий ва маҳаллий илмий-тадқиқот муассасалари ген банкдан олиш.</p> <p>2. Озуқа экинлари нав намуналарини интродукция қилиш, коллекция, назорат, экологик синов, дурагайлаш, танлаш ишларини амалга ошириш.</p> <p>3. Танланган озуқа экинлари бошланғич ҳамда бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш.</p> <p>4. Янгидан яратилган озуқа экинлари нав ва дурагайларини Давлат реестрига киритиш, патент олиш ишларини амалга ошириш.</p> | доирасида бажариладиган лойиҳалар маблағлари | | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази (Матякубов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси (Норқобилов) |
| 22 | Озуқа экинлари соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш. | <p>1. Бакалавр, магистрларни илм-фан соҳасига жалб қилиш, докторантларнинг селекция, уруғчилик, озуқа етиштириш агротехнологияси йўналишларидаги илмий тадқиқотлари учун шароитлар яратиб бериш.</p> <p>2. Озуқа экинлари соҳаси бўйича илмий ходимларнинг чорвачилик тармоғи ривожланган давлатларда малака ошириш курсларини ташкил этиш.</p> | Давлат гранти маблағлари, илмий ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари | 2023 йил 30 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов) Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси (Норқобилов) |
| III. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги соҳасида фаолият кўрсатадиган илмий муассасалар, уруғчилик хўжаликлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, навларни синаш хизматини такомиллаштириш | | | | | |
| 23 | Соҳада фаолият кўрсатадиган илмий муассасалар, ихтисослаштирилган элита уруғчилик хўжаликлари ва | 1. Уруғчилик соҳасида фаолият кўрсатаётган илмий-тадқиқот институтларининг моддий-техник базасини хатловдан ўтказиб, маънан эскирган ускуна ва қишлоқ хўжалиги техникаларини аниқлаш ҳамда | Халқаро молия институтларининг ва | 2025 йил 30 октябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|---|---|---|---|---|
| | <p>уруғлик етиштирувчи хўжаликлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш.</p> | <p>улар ўрнини замонавий ресурс тежайдиган ускуна ва жиҳозлар билан тўлдириш.</p> <p>2. Уруғчиликка ихтисослаштирилган худудлардаги уруғчилик хўжаликлари ва элита уруғчилик хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида улар томонидан харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги техникалари ва ускуналари учун имтиёзли лизинглар бериш тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Мавжуд анъанавий ва ноанъанавий селекция услублари билан бир қаторда янги замонавий молекуляр-генетик изланишлардан самарали фойдаланиш орқали селекция жараёнини тезлаштириш.</p> <p>4. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари таркиби, унувчанлиги ва бошқа сифат кўрсаткичларини аниқловчи биотехнология лабораторияларини жиҳозлаш.</p> | <p>грант лойиҳалар маблағлари</p> | | <p>инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Фанлар академияси (Юлдашев), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов)</p> |
| 24 | <p>Илмий-тадқиқот институтлари ва уларнинг филиалларида уруғликларни етиштириш, таҳлилдан ўтказиш, тайёрлаш инфратузилмасини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш ҳамда хизматлар кўрсатиш тизимини ривожлантириш.</p> | <p>1. Илмий-тадқиқот институтининг селекция, уруғчилик, агрокимё, биокимё, биотехнология лабораторияларини халқаро талаблар асосида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.</p> <p>2. Янги навларнинг дастлабки юқори авлодли уруғликларини тайёрлаш учун келгуси 2-3 йилда кичик уруғлик цехларини ташкил этиш ва уруғликларни жамғариш, сақлаш ва қайта ишлаш чораларини кўриш.</p> | <p>Халқаро молия институтлари ва грант лойиҳалар ҳамда илмий-тадқиқот институтлари маблағлари</p> | <p>2025 йил 25 декабрь</p> <p>2026 йил 30 декабрь</p> | <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев)</p> |
| 25 | <p>Уруғчиликни ривожлантириш марказига ўтказилган уруғлик дон ва уруғлик чигит тайёрлаш цехларини модернизация қилиш.</p> | <p>Чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда: уруғлик дон ва чигит тайёрлаш цехларини модернизация қилиш бўйича қишлоқ хўжалиги</p> | <p>Жаҳон банкининг кредит маблағлари ҳисобидан</p> | <p>2023 йил 30 декабрь</p> | <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов),</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|--|---|--|----------------------------|--|
| | | <p>экинлари уруғчилиги ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш; Уруғлик цехларининг ишлаб чиқариш қувватларини, цехлардаги асбоб-ускуналар, моддий-техник база, мавжуд бино-иншоотлар, омборхоналар ҳолатини ва цехларнинг умумий майдонларини таҳлил қилиш; ўтказилган таҳлиллар натижасида уруғлик тайёрлаш цехларидаги бино-иншоот, омборхоналар ва бошқа қурилишларнинг жойлашган жойи, умумий ўлчами ҳамда ташқи кўриниши тўғрисидаги намунавий лойиҳани тайёрлаш; уруғлик тайёрлаш цехларида қуриладиган бино, омборхона ва лаборатория бинолари, харид қилинадиган замонавий уруғликни қайта ишлаш, саралаш, дорилаш, қадоқлаш асбоб-ускуналари, техника воситалари тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш; лойиҳа доирасида ўзлаштириладиган кредит маблағларини уруғликни тайёрлаш цехлари бўйича қайтариш муддатлари ва уларнинг тўлов қобилиятини ўрганиш; кредит маблағларини белгиланган муддатларда қайтариш бўйича режа-график ишлаб чиқиш.</p> | | | <p>Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов)</p> |
| 26 | <p>Уруғлик дон ва чигит тайёрлаш цехларида уруғлик сифатини таҳлил қилиш лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.</p> | <p>1. Лабораториялар учун харид қилинадиган асбоб-ускуналар ва жиҳозларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда техник вазифасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Харид қилинадиган асбоб-ускуналар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер ҳужжатларини тайёрлаш.</p> | <p>Халқаро молия институтлари маблағлари</p> | <p>2026 йил 20 декабрь</p> | <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов),</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|--|---|--|--------------------------|---|
| | | <p>3. Харид қилинадиган асбоб-ускуналар ва жиҳозларни сотиб олиш бўйича тендер танловларини ўтказиш.</p> <p>4. Тендер ғолиблари билан контракт шартномаларини имзолаш.</p> <p>5. Лаборатория асбоб-ускуналар ва жиҳозларини ўрнатиш.</p> | | | <p>Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов)</p> |
| 27 | <p>Ўсимлик навларини синаш тизимида хизмат кўрсатиш жараёнини янада такомиллаштириш.</p> | <p>1. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 майдаги 282-сон ҳамда 2021 йил 27 мартдаги 158-сон қарорлари доирасида амалга ошириладиган вазифалар юзасидан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.</p> <p>2. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази ва унинг ҳудудий тизим ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p> <p>3. Агрохизмат марказлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кўпайтирилган хизмат турларини тақдим этиб бориш.</p> <p>4. Соҳада амалга оширилаётган вазифалар бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини жадаллаштириш.</p> | <p>Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт уюшмаси лойиҳалари маблағлари, пулли хизматлардан тушадиган ва уруғликлар учун устама ҳақ маблағлари</p> | 2024 йил 30 ноябрь | <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази (Матякубов)</p> |
| 28 | <p>Соҳада табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни такомиллаштириш, хорижий манбаларни жалб қилган ҳолда ахборот-маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш.</p> | <p>1. Глобал иқлим ўзгариши жараёнларини юмшатишга қаратилган ўсимликларнинг нав синаш тизимида амалга ошириладиган устувор вазифалар бўйича чора-тадбирлар режасини тузиш.</p> <p>2. Соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун талаб этиладиган замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологиялар бўйича тахлилий маълумотларни тайёрлаш, уларни харид қилиш манбаларини белгилаш ва босқичма-босқич жорий этиш.</p> | <p>Пулли хизматдан тушадиган ва уруғликлар учун устама ҳақ маблағлар, Халқаро тикланиш ва тараққиёт</p> | 2025 йил 25 ноябрь | <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев),</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|---|---|--|---|---------------------------|--|
| | | <p>3. Соҳага халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ташкилотларнинг грантларини жалб қилишга кўмаклашиш.</p> <p>4. Қишлоқ хўжалигида экиш материаллари тўғрисидаги барча маълумотларни расмий веб-сайтларда эълон қилиб бориш.</p> <p>5. Агрохизматлар марказида нав синаш тизимида кўрсатиладиган хизматлар батафсил ёритиб борилиши бўйича штатлар ажратиш чораларини кўриш.</p> <p>6. Соҳада ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш ишларини олиб бориш.</p> | <p>банки лойиҳаси маблағлари</p> | | <p>Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази (Матякубов)</p> |
| <p align="center">IV. Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва экспертларни жалб қилиш</p> | | | | | |
| <p>29</p> | <p>Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва экспертларни жалб қилиш.</p> | <p>1. Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳаларида ҳар йили илмий ташкилотларда юқори малакали (илмий даражага эга) кадрларни тайёрлаш.</p> <p>2. Замонавий технологиялар асосида селекция ва уруғчилик ишларини ташкил этиш мақсадида, ҳар йили 4-5 нафар иқтидорли ходимларни хорижий мамлакатларда малака ошириш бўйича курсларга юбориш.</p> <p>3. Селекция ва уруғчилик соҳалари ривожланган хорижий давлатларнинг илмий ташкилотлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда ўқув семинарлари ташкил қилиш.</p> <p>4. Элита уруғчилик хўжаликларида кадрларга бўлган талабни аниқлаш, уни тўлдириш бўйича таклифлар тайёрлаш, тегишли олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига кадрларга бўлган талабни тақдим этиш.</p> | <p>Халқаро молия институтлари ва грант лойиҳалар маблағлари</p> | <p>2026 йил 30 ноябрь</p> | <p>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов)</p> |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|---|--|---|--|--------------------------|---|
| | | 5. Тошкент давлат аграр университетида озуқабоп экинлар уруғчилиги етиштириш ва озуқа тайёрлаш агротехнологияси бўйича йўналишлар очиш. | | | |
| 30 | Уруғлик тайёрлаш цехларидаги кадрлар малакасини ошириш. | Модернизация қилинган уруғлик тайёрлаш цехларига ўрнатилган янги технологиялардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида мутахассислар малакасини доимий ошириб бориш. | Уруғлик тайёрлаш цехларининг ўз маблағлари | Доимий равишда | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов) |
| 31 | Халқаро уруғчиликка ихтисослашган ташкилотларга аъзо бўлиш. | Уруғчилик бўйича ихтисослашган халқаро ташкилотларга ISTA (<i>International Seed Testing Association</i>), OECD (<i>Organisation for Economic Co-operation and Development</i>) ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ва ҳамкорлик битимларини тузиш. | Ўз маблағлари | 2025 йил 25 октябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов) |
| V. “In-vitro” лабораторияларини кўпайтириш ҳисобидан вирусдан холи маҳаллий, хорижий мева ва узум навларининг кўчатларини тайёрлаш | | | | | |
| 32 | Мева ва узум кўчатлари пайвантагларини етиштирадиган “in-vitro” лабораториялари сонини кўпайтириш ва | 1. Кафолатланган соғлом, вирусдан холи бўлган мевали ва узум кўчатларини кўпайтиришни йўлга қўйиш, ҳар йили талаб этиладиган кўчатлар ҳажмларини ўрганиш. | Халқаро молия институтлари маблағлари | Доимий равишда | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|---|---|---|--------------------------|---|
| | кўчатчилик хўжалиklarини такомиллаштириш. | <p>2. Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-тадқиқот институти Наманган, Фарғона, Тошкент ва Хоразм вилоялари илмий-тажриба станцияларида “in-vitro” лабораторияларини ташкил этиш.</p> <p>3. Республика ҳудудларида фаолият олиб бораётган кўчатчилик хўжалиklари реестрини тузиш ва етиштирилаётган кўчатлар сифати бўйича мониторингни йўлга қўйиш.</p> | ҳамда ташкилотнинг ўз маблағлари | 2024 йил 30 ноябрь | миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Каримов), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов), тегишли вилоят ҳокимликлари |
| 33 | Дунёдаги машҳур мева ва узум навларининг “in-vitro” (вируссиз) усулида босқичма-босқич ички талабни тўлиқ қоплаш бўйича кўчатлар етиштириш. | <p>1. Мевачилик ва узумчилик соҳаси ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва улардаги мева-узум навларини ўрганиш.</p> <p>2. “In-vitro” лабораториялари сонини кўпайтириш ҳисобига вирусдан холи бўлган мева ва узум навларидан кўпайтириш ҳажмларини ошириш.</p> <p>3. Четдан олиб келинган мева-узум навлари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳамда республика шароитига мос навларни “in-vitro” (вируссиз) усулида кўпайтиришни йўлга қўйиш.</p> <p>4. Касаллик ва вируслардан холи, экспортбоп ва саноатбоп мева навларининг пайвандтаг она боғларини аниқлаш, реестрга киритиш ва кўчатчилик хўжалиklари фаолиятини мувофиқлаштириш.</p> <p>5. Вируссиз кўчат етиштириш ва тайёрлаш, қонунчилик нормаларига мувофиқ навдорлик ва экинбоплик сифатлари баҳоланган ва сертификатлаштирилган кўчатларни сотиш тизимини йўлга қўйиш, янги ташкил этилаётган мевали боғ ва узумзорларни сифати кафолатланган кўчатлар билан таъминлаш.</p> | Халқаро молия институтлари маблағлари ҳамда ташкилотларнинг ўз маблағлари | 2024 йил 20 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Каримов) |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|---|---|---|--|--------------------------|---|
| VI. Илмий-тадқиқот институтларида касаллик ва зараркунандаларга ҳамда қурғоқчиликка чидамли мева, узум ва резаворларнинг янги навларини яратиш | | | | | |
| 34 | Сертификатланган мева ва узум пайвандтаглари ҳамда кўчатларини кўпайтириш ва етиштиришни йўлга қўйиш. | <p>1. Республика худудларида фаолият юритаётган кўчатчилик хўжаликлари реестрини тузиш, кўчатларга бўлган талабни ўрганиш ва сифати бўйича мониторинг юритиш.</p> <p>2. Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-тадқиқот институтида “in-vitro” шароитида етиштирилаётган мева ва узумнинг вирусдан холи пайвандтаг ҳамда кўчатларини ташқи муҳитга мослаштириш учун замонавий кўчатчилик (2 гектар ёпиқ ва 5 гектар очик) мажмуасини ташкил этиш.</p> <p>3. Мева ва узумнинг вирусдан холи пайвандтаг ҳамда кўчатларини “in vitro” шароитида кўпайтириш ва мувофиқлик сертификатини бериш тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>4. Янгидан ташкил этиладиган боғ ва узумзорларнинг тоза навли ва вируслардан холи кўчатлар асосида яратилишини таъминлаш.</p> <p>5. Россия Федерациясининг Фурчатов номидаги илмий-тадқиқот институтидан серхосил узум навларини олиб келиш чораларини кўриш.</p> | Халқаро молия институтлари, ташаббускорлар маблағлари | 2026 йил 20 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Каримов) |
| 35 | Юқори ҳосилли мева ва узум навларини яратишда жадаллашган селекция усулидан фойдаланиш учун фитотрон объектини ташкил этиш. | <p>1. Замонавий технологиялар асосида М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик, виночилик илмий-тадқиқот институти ва Самарқанд илмий-тажриба станциясида Phytatron объекти лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Лойиҳаси ҳужжатларини тайёрлаш ва тендер эълон қилиш.</p> <p>3. Лойиҳа тендер ғолиби билан пудрат ташкилоти ўртасида шартномалар имзолаш.</p> | Халқаро молия институтлари ва давлат илмий дастурлари маблағлари | 2024 йил 20 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), |

| Т/р | Чора-гадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|--|--|--|--------------------------|--|
| | | 4. Қурилиш ишларини амалга ошириш ва лойиҳани ишга тушириш. | | | Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |
| 36 | Экспортбоп мева ва узум навларини хориждан интродукция қилиш ва янги навлар яратиш. | <p>1. Ривожланган хорижий мамлакатлардаги мева ва узум навларини ўрганиш ҳамда маҳаллий навларни синовдан ўтказиш.</p> <p>2. Биотик ва абиотик омилларга чидамли, эртанишар, ҳосилдор ва экспортбоп мева ва узум навларини танлаб олиш.</p> <p>3. Замонавий технологиялар асосида (молекуляр селекция, ген инженерияси, биотехнология) биотик ва абиотик омилларга бардошли, экспортбоп янги навлар яратиш.</p> <p>4. Мева ва узум селекцияси ривожланган мамлакатлар билан халқаро илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш.</p> <p>5. Яратилган янги навларни Давлат нав синаш комиссиясига топшириш, истиқболли навларни Давлат реестрига киритиш ҳамда Интеллектуал мулк агентлигидан патент олиш.</p> | Халқаро молия институтлари, давлат илмий дастурлари маблағлари | 2024 йил 30 июль | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Каримов) |
| 37 | Ҳосилдорлиги юқори бўлган, турли экстремал шароитларга, касаллик ва зараркунандаларга чидамли хорижий сабзавот, полиз, картошка навларини интродукция қилиш ва уруғчилигини ташкил этиш. | <p>1. Ривожланган хорижий давлатлар билан сабзавот, полиз ва картошка навларини алмашиш бўйича ҳамкорлик меморандумини тузиш.</p> <p>2. Меморандум асосида хорижий мамлакатлардан олиб келинган нав ва намуналарни республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларда синовлардан ўтказиш.</p> <p>3. Синов натижалари бўйича истиқболли сабзавот, полиз ва картошка навларини ажратиб олиш, улар асосида селекция ишларини ва бирламчи уруғчиликни йўлга қўйиш.</p> | Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида бажариладиган лойиҳалар маблағлари | 2026 йил 20 ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Фанлар академияси (Юлдашев), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Ўсимликлар ҳимояси ва карантини |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|-----|--|---|---------------------------------------|--------------------------|---|
| | | | | | агентлиги (Эргашев), Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Каримов) |
| 38 | Селекция жараёнини тезлаштириш учун махсус иссиқхона объектларини ташкил этиш. | <p>1. Замонавий технологияларга асосланган иссиқхона қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш.</p> <p>2. Иссиқхона қуриш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш, тендер ўтказиш ҳамда қурувчи пудратчини аниқлаш.</p> <p>3. Илмий-тадқиқот институти ва пудратчи ўртасида шартнома тузиш ва иссиқхона объектларини ишга туширишни таъминлаш.</p> | Хорижий молия институтлари маблағлари | 2025 йил 30 август | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Кудратов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги (Каримов) |
| 39 | Сабзавот экинларининг F ₁ дурагайларини яратиш ва уруғчилигини йўлга қўйиш. | <p>1. Сабзавотчилик соҳаси ривожланган давлатлардан сабзавот навларининг F₁ дурагайларини яратиш технологиясини ўрганиш.</p> <p>2. Хориждан юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, тажриба алмашиш, илмий ходимларнинг малакасини ошириш.</p> <p>3. Институтнинг 10-15 нафар ёш иқтидорли мутахассисларини хорижий мамлакатларда узоқ ва ўрта муддатли малака ошириш курсларига юбориш.</p> <p>4. Бирламчи уруғлик материалларини Уруғчиликни ривожлантириш марказига етказиб бериш, юқори авлодли уруғликлар етиштиришни йўлга қўйиш.</p> | Хорижий молия институтлари маблағлари | 2024 йил 20 ноябрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (Абдурахмонов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев), Уруғчиликни ривожлантириш маркази (Мамажанов) |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Талаб этиладиган маблағ ва манбаи | Амалга ошириш муддатлари | Масъуллар |
|--|---|--|-----------------------------------|--------------------------|---|
| VII. Қишлоқ хўжалиги корхоналари талабларига жавоб берадиган уруғ ва кўчат етиштиришда хусусий секторни ривожлантириш | | | | | |
| 40 | <p>Қишлоқ хўжалиги корхоналари талабларига жавоб берувчи уруғ ва кўчат етиштиришда хусусий секторни ривожлантириш, уруғ етиштирувчи субъектлар ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари навлари муаллифларини моддий рағбатлантириш тамойилларини белгилаш.</p> | <p>1. Сабзавот, полиз, мойли, дуккакли, озуқа экинларининг нав оригинаторлари ва уруғ етиштиришда иштирок этувчи ташкилотларни моддий рағбатлантириш бўйича устамалар тўлаш тизимини жорий этиш ва устама тўлашнинг тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Сабзавот, полиз, мойли, дуккакли, озуқа экинларининг нав оригинаторлари ва уруғ етиштиришда иштирок этувчи ташкилотларни моддий рағбатлантириш бўйича норматив- ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> | Шартнома асосида | 2024 йил 20 декабрь | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Воитов), Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (Тўраев) |

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 2 ” февралдаги 51 сон қарорига
2-илова

**2023-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида уруғчилик ва кўчат етиштиришни ривожлантириш
миллий дастурини амалга ошириш натижасида эришиладиган
ПАРАМЕТРЛАР**

| Т/р | Параметрлар номи | 2022 йил (асос) | Йиллар бўйича | | | |
|---|---|--------------------|--|--|---|----------|
| | | | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил | 2026 йил |
| I. Пахтачилик соҳасида | | | | | | |
| 1 | Селекциянинг янги усул ва услубларини қўллаган ҳолда ғўзанинг серҳосил, сув танқислигига, тупроқ шўрланишига ва касалликларга бардошли, тола сифати юқори бўлган навларини яратиш (<i>дона</i>). | 4 | 5 | 6 | 7 | 9 |
| 2 | Соҳа олимлари томонидан яратилган ғўза экинларининг бирламчи уруғчилиги асосида уруғлик етиштириш (<i>тонна</i>). | 50 | 55 | 60 | 65 | 70 |
| 3 | Вза селекцияси ва уруғчилиги бўйича мутахассисларнинг хорижда малакасини ошириш (<i>нафар</i>). | 4 | 5 | 7 | 7 | 9 |
| II. Бошоқли, дуккакли дон, мойли ва ем-хашак экинлари навларини кўпайтириш ва ривожлантириш соҳасида | | | | | | |
| 4 | Бошоқли, дуккакли дон, мойли ва ем-хашак экинларининг об-ҳавонинг салбий таъсирларига чидамли навларини яратишда Speed Breeding (жадаллашган) селекция усулидан фойдаланиш учун фитотрон объектини ташкил этиш. | Мавжуд эмас | 1 та (Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти) | 1 та (Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти) | 1 та (Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти) | |
| 5 | Маҳаллий шароитда дуккакли ва мойли экинлар янги навлари селекцияси ва уруғчилигини йўлга қўйиш. | | | 3 | 6 | 12 |

| Т/р | Параметрлар номи | 2022 йил (асос) | Йиллар бўйича | | | |
|---|--|---|---|---|---|---|
| | | | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил | 2026 йил |
| 6 | Шўр ва бўз тупроқларга мос, совуққа чидамли буғдойнинг янги навларини яратиш (дона). | 2 | 2 | 3 | 4 | 6 |
| 7 | Қаттиқ буғдойнинг (макарон, қандолат ва бошқа саноат йўналишлари учун) янги навларини яратиш ва етиштириш ҳажмини ошириш (дона). | 3 | 4 | 4 | 5 | 5 |
| 8 | Сидерат ва оралиқ экинларнинг янги навларини яратиш ва уруғчилигини ташкил этиш (дона). | йўқ | 3 | 3 | 4 | 6 |
| III. Боғдорчилик ва узумчилик навларини, кўчатларини кўпайтириш ва ривожлантириш соҳасида | | | | | | |
| 9 | Хорижий мева ва узум навларини интродукция қилиш ва янги навлар яратиш. | 4 та мева, 1 та узум | 6 та мева, 1 та узум | 7 та мева, 1 та узум | 8 та мева, 1 та узум | 9 та мева, 2 та узум |
| 10 | Юқори сифатли, сертификатланган мева ва узумнинг пайвандтаг ҳамда кўчатларини етиштириш (дона). | 2 млн дона мева, 1,5 млн дона узум | 3 млн дона мева, 2 млн дона узум | 5 млн дона мева, 2 млн дона узум | 8 млн дона мева, 4 млн дона узум | 9 млн дона мева, 4 млн дона узум |
| IV. Сабзавот, полиз экинлари ва картошка навларини ва бирламчи уруғларини кўпайтириш ва ривожлантириш соҳасида | | | | | | |
| 11 | Селекциянинг янги технологиялари асосида сабзавот ва полиз экинларининг серҳосил, қурғоқчиликка, шўрга чидамли, сифати юқори бўлган навларини яратиш (дона). | 5 | 8 | 10 | 11 | 13 |
| 12 | Соҳа олимлари яратган сабзавот ва полиз экинларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва уруғлик етиштириш (тонна). | 22 | 23 | 23 | 24 | 25 |
| 13 | Сабзавот ва полиз экинлари селекцияси ва уруғчилиги бўйича мутахассисларнинг хорижда малакасини ошириш (нафар). | 3 | 5 | 25 | 50 | 100 |

| Т/р | Параметрлар номи | 2022 йил (асос) | Йиллар бўйича | | | |
|--|---|--------------------|---------------|----------|----------|----------|
| | | | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил | 2026 йил |
| V. Озуқа экинларини ва навларини кўпайтириш соҳасида | | | | | | |
| 14 | Маккажўхорининг оригинал <i>(ота-оналик шакллари, нав, дурагай)</i> уруғликларини етиштириш <i>(тонна)</i> . | 50 | 70 | 100 | 150 | 200 |
| 15 | Оқ жўхори ва тритикаленинг оригинал уруғликларини ишлаб чиқариш <i>(тонна)</i> . | 15,0 | 30,0 | 55,0 | 85,0 | 100,0 |
| 16 | Арпа, хашаки нўхатнинг оригинал уруғликларини ишлаб чиқариш <i>(тонна)</i> . | 5,0 | 10,0 | 15,0 | 20,0 | 30,0 |
| VI. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш соҳасида | | | | | | |
| 17 | Ўсимликлар навларини синаш тизимида юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш <i>(тури, дона)</i> . | 6 | 7 | 8 | 8 | 10 |
| 18 | Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, патентга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказиш <i>(дона)</i> . | 75 | 100 | 150 | 155 | 200 |
| 19 | Маҳаллий ва хориждан импорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги экинлари навлари синовини йўлга қўйиш <i>(дона)</i> . | 160 | 250 | 400 | 500 | 700 |
| 20 | Кафолатланган, серҳосил нав уруғларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ва экспорт килувчиларга тавсия қилиш <i>(дона)</i> . | 50 | 48 | 65 | 67 | 70 |
| 21 | Татбиқ этиладиган нав уруғликлари бўйича тавсифвий материалларни расмий веб-сайтларда эълон қилиш <i>(дона)</i> . | 180 | 250 | 350 | 500 | 750 |
| 22 | Соҳада кадрлар малакасини ошириш <i>(нафар)</i> . | 20 | 25 | 30 | 40 | 50 |

| Т/р | Параметрлар номи | 2022 йил (асос) | Йиллар бўйича | | | |
|--|---|--------------------|------------------------|---------------------------|----------|----------|
| | | | 2023 йил | 2024 йил | 2025 йил | 2026 йил |
| 23 | Соҳага ёш ва малакали мутахассисларни жалб этиш <i>(нафар)</i> . | 3 | 6 | 10 | 15 | 20 |
| VII. Уруғчилик марказининг моддий-техника баъзасини мустаҳкамлаш соҳасида | | | | | | |
| 24 | Уруғчиликни ривожлантириш марказига ўтказилган уруғлик дон ва чигит тайёрлаш цехларини модернизация қилиш бўйича жаҳон банкдан бериладиган 26,5 млн АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни ўзлаштириш. | | 5 млн АҚШ доллар | 21,5 млн АҚШ доллар | | |
| 25 | Уруғчиликни ривожлантириш маркази тизимидаги элита уруғчилик хўжаликларининг моддий-техника базасини ривожлантириш | 20 | 20 | 26 | | |

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4803-сон қарорига асосан Уруғчилик марказининг моддий-техника баъзасини мустаҳкамлашга 26,5 млн АҚШ доллари ажратилган.

